


# **Муштумзўр тадбиркорга жазо тайинланди**

**Муштумзўр тадбиркорга жазо тайинланди**



Шеров Хайрулло (исми арифи ўзгартирилган) 2021 йил 14 август куни соат 16:30 ларда ўзига олдиндан таниш бўлмаган Қизириқ тумани “Гиламбоб” маҳалласида яшовчи Раҳмонов Мусурмонқул билан Термиз тумани, “Гулбаҳор” маҳалласидаги дала майдонида тарвуз савдолашиб келишолмай жанжаллашиб, М.Раҳмоновнинг жағ соҳасига қўли билан қасдан уриб, унга ўртacha оғир шикаст етказган.

Жиноят ишлари бўйича Музработ туман суди Шеров Хайруллони Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топиб, заарни қопланмаганлиги, жабрланувчиларни давоси борлиги сабабли озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

ЖИБ Музработ туман суди раиси Т.Абдираимов